

Глоссарий

Адаптив (орттирилган) иммун жавоби – тегишли антигенларни аниқловчи рецепторларга эга бўлган Т-ҳамда В-хўжайралар клонлари томонидан антигенга нисбатан ўзига хос жавоб.

Адьювантлар – умумий комплекс ёки аралашма кўринишида антиген билан биргаликда уни юборишда иммун жавобини кучайтирувчи моддалар.

Фрейд адьюванти – унга юбориладиган антигеннинг иммуногенлигини кучайтириш мақсадида фойдаланиладиган сув-мой (сув-мойли) эмульсияси.

Аллерген – тез содир бўладиган гиперсезувчанликнинг аллергия реакциясини ҳосил қилувчи ташқи муҳит антигени.

Аллергия реакция – аллергия билан организмнинг алоқага киришишига имкон яратувчи антителалар жавоби; реакциянинг энг кўп намоён бўлиши аллергиянинг унги имкон берувчи ўзаро таъсирлашувдан сўнг яллиғланиш медиаторларини секретациялайдиган (ишлаб чиқарадиган) базофиллар ёки йўғон хўжайралар билан боғланган IgE – антителалар билан таъсирлашувида кўзринади.

Аллергия – антиген хусусиятга эга қатор ташқи муҳит моддаларига нисбатан тез содир бўладиган юқори сезувчанлик реакцияси.

Аллотрансплантат – бир тур ичидаги бир индивиддан бошқасига кўчириб ўтказиладиган хўжайралар, тўқималар ва органлар учун белги (ишора).

Аллотрансплантация – маълум бир турнинг турли хил инбредли зотлари ўртасидаги ёки бир турдаги генетик жиҳатдан ажралиб турувчи зотлари орасидаги орган ҳамда тўқималарни кўчириб ўтказиш.

Анафилактик шок – организмга систематик тарзда кириб келувчи антителаларга аллергия реакциянинг ўткир шакли бўлиб, алоҳида йўлларнинг шиш ҳосил қилиши ёки буғилишига олиб келади; реакциянинг асосини бириктирувчи тўқимада IgE -антителалар билан антигеннинг ёппасига таъмирлашуви ташкил этади.

Анергия – хўжайраларнинг ташқи стимулларга жавоб бермаслик ҳолати ёки Т-ёки В-хўжайралар томонидан антигенга реакциянинг бўлмаслиги.

Антиген – иммун жавобини чақиришга қодир бўлган мазкур муаян организм учун бегона бўлган таркибий модда.

Антиген презентацияловчи (намойиш қилувчи) хўжайралар(АПХ) – антигенни ютиш ҳамда қайта ишлашга қодир бўлган ва яна ГКГСнинг I ҳамда II класс молекулалари билан комплекс ҳолда хўжайра юзасида (сиртида) қайта ишланган антигеннинг пептидли антиген фрагментларини намоён этишга қодир бўлган юқори даражадаги ўзига хос ажралиб турувчи хўжайралар. Асосий АПХлар – макрофаглар, дендрит хўжайралар, В-хўжайралар.

Антизардоб – иммунизация учун фойдланилган антигенларга қарши антителаларга эга бўлган қоннинг суяқ қисми.

Антитела (иммуноглобулинлар) – антигенни киритишга жавобан плазмодитлар таъсирида ҳосил бўлувчи қон зардобини оксиллари; антителаларнинг ўзига хос жиҳати – организмга киритилган антигенга нисбатан қатъий хусусият.

Апоптоз – нобуд бўлган хўжайранинг навбатма-навбат фагоцитланиши ҳамда ядронинг емирилиши оқибатида ДНК ядроси деградиацияси билан кечувчи нормал физиологик жараён тарзидаги дастурлаштирилган хўжайраларнинг ўлими.

Атопик аллергия (атопия) - IgE антиген билан таъсирлашувчи аллергияга

нисбатан тез содир бўладиган гиперсезувчанлик билан изоҳланадиган ҳолат.

Аутоантигенлар – асл хўжайраларнинг, муайян индивидуум полимер молекулаларининг антигенлари.

Аутоиммунитет – аутоген ёки Т-хўжайралар билан организм тўқималари ёки хўжайраларининг емирилиш ходисаси.

Аутотрансплантация – бир индивид танаси тўқимасининг бир қисмини танасининг бошқа бир жойига кўчириб ўтказилиши.

Аффинлик – ўзаро таъсирлашувчи молекулаларнинг алоҳида қисмларини боғлаш кучи.

Катта гранулр лимфоцитлар – ўлчами жиҳатдан типик лимфоцитлардан каттароқ бўлган катта микдордаги гранулаларни ўз ичига олувчи хўжайралар, хўжайраларнинг бу тоифасига киллер хўжайралар ҳамда НК-хўжайралар киради.

Инсонлардаги иммун етишмаслиги (ИИЕ) (ВИЧ) – инсонларда орттирилган иммун тақчиллиги синдромини (ОИТС) чакирувчи инфекцион агент; ИИЕ (ВИЧ) лентивируслар оиласининг ретровируси саналади.

Вакцина – у ёки бу инфекцион (юқумли) касалликлар қўзғатувчисининг патоген хусусиятларидан мосуво бўлган, аммо иммун жавобини таъминлашга қодир бўлган иммуноген хоссаларини сақлаб қолган препаратдир.

Вируслар – муайян тирик хўжайралар ичига кириб олишга қодир ҳамда ушубу хўжайраларнинг биосинтетик аппаратида фойдаланган ҳолда уларнинг ичида кўпайиш хусусиятига эга бўлган ҳаётнинг (тирик оламнинг) хўжайрадан ташқари шакллари.

Яллиғланиш – организмнинг тўқималар жароҳатланишига, инфекцияларга нисбатан жавоби бўлиб; томирларга кириб бориш хусусиятининг ортиб кетиши ва жисмоний жароҳат олган ёки инфекция тушган жойларда суюқликларнинг ёки хўжайраларнинг йиғилиб қолиши билан характерланади.

Иккиламчи иммун жавоби – дастлабки эмлашда қўлланилган антигенни қайтадан киритишга кучли иммун реакцияси.

Гаптенлар – иммугенлик хусусиятига эга бўлган, бироқ антиген хусусияти билан характерланувчи асосан ароматик (хушбўй) қаторнинг кимёвий бирикмалари бўлиб, уларнинг аввалги антителилар билан таъсирлашишига кўра аниқланади.

Иммун жавоби генлари (Ig - генлар) – иммун жавобини назорат қилувчи генлар; гистомутаносиблик асосий комплексининг I –соҳасида жойлашган (тўпланган).

Гистомутаносибликнинг асосий комплекси – асосан иммунологик жиҳатдан уч синфнинг (класснинг) аҳамиятли молекулаларини кодловчи бир бирига яқин ёпишган генлар гуруҳи; энг аҳмиятлилари (муҳимлари) Т-хўжайраларнинг CD4 генерациясида иштирок этувчи 1 класс молекуллари саналади.

Гранулёма – маҳаллий сурункали яллиғланиш, яллиғланиш ўчоқларига доимий равишда макрофагларнинг келиши натижасида ҳосил бўлади. Материалларни парчалай олмаслиги макрофагларнинг жипс тўпланиб олиши билан алоҳида ажратиб қўйилиши мумкин.

Иммунитет – организмнинг ҳам экзоген, ҳам эндоген табиатига эга бўлган барча бегона моддалардан ҳимоя воситаси, онтогенезнинг барқарорлик омили.

Иммунологик хотира – иммун реакциясининг бирламчи жавобини келтириб чиқарадиган антиген билан қайта учрашгандаги кучли реакцисини узоқ муддат сақлаб қолиш хусусияти.

Инбред линия – ҳайонлар линияси (асосан иммунологияда), бир уруғли эгизаклар

сингари бир биридан генетик жиҳатдан фарқланмайдиган гомозигот бўлган бурча турлар.

Интерлейкинлар (ИЛ) – лимфоцитлар, макрофаглар, табиий киллерлар, бошқа хўжайралар билан ишлаб чиқариладиган цитокинлар; асосий вазифаси иммунитетни тартибга солиш (бошқариш).

Комплемент – фаоллаштириш жараёнида кенг тарқалган яллиғланиш эффектларини чақирадиган ва яна бактериялар ҳамда бошқалар лизисини чақирадиган зардобсимон оқсиллар гуруҳи. Комплемент бевосита бактериялар ёрдамида фаоллашиши мумкин, бироқ бунинг учун антителалар бўлиши лозим.

Конген линиялар – қайсидир бир локус орасидаги фарқдан ташқари, ўзаро генетик жиҳатдан бир хил бўлган ҳайвонлар линияси саналади; сичқонларнинг конген линияларида – гистосинтезликнинг асосий комплекси бўйича фарқланишлар.

Киллинг - емирилиш. Фагоцитлар билан эгаллаб олинган микроорганизмларнинг хўжайра ичидаги емирилиши лизосомал ферментлар таъсирига амалга ошади. Хўжайра ичидаги емирилиш моноцитлар, нейтрофиллар ва бошқа киллер хўжайралар томонидан амалга ошади.

Ксенотрансплантация – турли хил зотларга (турларга) оид бўлган зотлар ўртасида орган ёки тўқималарни кўчириб ўтказиш.

Лизис – хўжайра парчаланиши, унинг зарарланган (жароҳатланган) мембрана орқали тикланмайдиган ҳолатда тамом бўлиши.

Лизоцим – сўлак безларининг гидролик ферменти, ўзига хос бўлмаган иммун ҳимояси фактори.

Лимфатик томирлар – бутун организм бўйлаб тарқалиб кетган лимфа сақловчи ингичка деворли томирлар; тўқималарда тўпланадиган лимфоцитлар ҳамда хўжайра ташқарисидаги суюқлик лимфотик томирларда йиғилиб, лимфатик тугунлар орқали ўтиб асосий лимфатик томир – кўкрак оқимига кириб келади.

Лимфокинлар – лимфоцитлар ҳосил қиладиган цитокинлар.

Лимфома – қонга ўтмайдиган, лимфа тўқималарида кўпаядиган лимфоцитларнинг зарарли қайта туғилиши.

Макрофаглар – организм тўқималарида кенг тарқалган катта (йирик) моноклеар хўжайралар; иликларнинг ўтмишдошлари ҳосилалари; иммунитет ривожланишида муҳим рол ўйнайди; ўзига хос бўлмаган иммунитетда киллер фаоллиги билан фагоцитловчи хўжайралар ролини бажаради ва яна яллиғланиш реакцияларида ҳам иштирок этади.

Миастения гравис – скелет мускуллари хўжайраларида ацетилхолин рецепторига аутоген антителалар томонидан чақирилган аутоиммун ҳасталик; иммун ҳужуми натижасида мушакларнинг қисқаришида бузилишлар пайдо бўлади.

Митогенлар – лимфоцитларни фаоллаштиришга қодир бўлмаган ҳамда уларни пролиферация қила олмайдиган оқсиллар.

Монокинлар – макрофаглар томонидан ажратиладиган цитокинлар.

Табиий киллерлар (ТК) – Т-ҳамда В-хўжайралар белгиларидан мосува бўлган, лимфоцитларга ўхшаш хўжайралар; баъзи бир ўсма ва вирусга учраган хўжайраларни йўқ қилишга қодир; ўзига хос бўлмаган иммунитетнинг (табиий) энг муҳим омилларидан бири саналади.

Некроз – кимёвий ёки физик зарарланиш оқибатида хўжайра ёки тўқималарнинг nobud бўлиши.

Ўсма (шиш) антигенлари – канцероген бирикмалар таъсирида, сиртқи хўжайра оқсилларини назорат қилувчи ген мутацияларининг онкоген вируслар билан зарарланиши

(инфекцияланиши) натижасида хавфли ўсма ҳосил қилувчи трансформацион хўжайраларда пайдо бўлувчи ушбу организм учун бегона (ёд) бўлган антигенлар.

Трансплантатнинг битиб кетмаслиги – тўқима ёки орган трансплантатининг реципиентдан генетик жиҳатдан фарқланувчи иммунокомпонент хўжайралари таъсирида емирилиши.

Пейер тошмалари – ингичка ичак бўйлаб лимфоцитларнинг маҳаллий тўқималарда тўпланиши.

Бирламчи (дастлабки, биринчи) фолликул – В-лимфоцитларда жой олган ва дендрит хўжайралардан иборат бўлган лимфоид тўқималарининг гистологик аниқланган структуралари; бирламчи фолликулалар антиген стимуляциясида иккиламчи фолликулларнинг кўпайиш марказлари ҳосил бўлиш маркази саналади.

Персистенция – иммун факторлари таъсирининг емирилишдан сақланиш имконини берувчи микроорганизмларнинг ҳимоя механизмлари. Улар тарқатувчи (хўжайин) организмда узоқ муддат жойлашиб, даволаниши оғир бўлган касалликларни келтириб чиқаришга қодир.

Антиген презентацияси (такдим этиш, кўрсатиб бериш) – антигенни антиген намоиш қилувчи хўжайралар юзасида иммуноген шаклга келтириш жараёни.

Бирлашиш - антиген билан илк учрашишда содда Т-хўжайраларнинг фаоллашуви.

Пролиферация – митоз йўли билан хўжайралар сонининг ортиши.

Артюс реакцияси – тери реакцияси бўлиб, унда тери ичкарисига киритилган антиген ўзига хос IgG антителалар билан хўжайра ташқарисидаги бўшлиқда таъсирлашади; антигеннинг антитела билан таъсирлашиши натижасида комплемент фаоллашиб, фагоцитловчи хўжайраларнинг антиген киритилган (юборилган) жойга кўчиши кучайиб боради ва натижада маҳаллий яллиғланиш реакцияларини келтириб чиқаради.

Секвестрация – макрофаглар томонидан гранулём ҳосил бўлишида нобуд бўлиши мумкин бўлмаган микроорганизмларнинг иштироки.

Синген трансплантация – бир турдаги (бир уруғли эгизаклар) генетик жиҳатдан ўхшаш бўлган зотлар ўртасидаги орган ва тўқималарни кўчириб ўтказиш.

ЛАЧ СКЛ – лимфоцитларни аралаш чатиштиришдаги раекцияси – икки генетик жиҳатдан ажралиб турувчи индивидуумларнинг хўжайрасида мавжуд дурагайлаштиришдаги МНС аллогенларига Т-хўжайраларнинг жавоби.

Иммунологик толерантлик – ўзига хос иммун жавобини бермаслик ҳодисаси.

Толерогенлар – организмга ўзига хос жавоб бермаслик ҳодисаси киритилишининг муайян шароитларда ҳосил бўладиган хўжайралар, оқсиллар, полисахаридларнинг антигенлари.

Трансплантацион антигенлар – гистомутаносибликнинг асосий комплекси орқали бошқариладиган хўжайралар юзасининг антигенлари.

Трансплантацион иммунитет – трансплантация қилинаётган орган ёки тўқиманинг иммун битиб кетмаслик ҳодисаси; битиб кетмаслик реакциясида асосан иммунитетнинг Т-тизими иштирок этади.

Фагоцитоз – корпускуляр материалнинг (бактериялар, бегона ва нобуд бўлаётган хўжайраларнинг, инерт заррачалар ва бошқаларнинг) эгаллаб олиниши ёки хўжайра ичида ҳазм қилиниши.

Хемокинлар – лимфоцитлар ва фагоцитловчи хўжайраларнинг фаоллашуви ёки миграциясида иштирок этувчи паст молекулали цитокинлар; яллиғланиш жавобида

(реакциясида) асосий ролни бажаради.

Цитокинлар – иммун жавобининг нисбатан фаол намоён бўлишида иштирок этувчи эндоген оқсилли регуляторлар.

Цитотоксик Т-лимфоцитлар (Т_ц) – вирусга қарши иммунитетнинг асосий хўжайралари. Унинг вазифасига вируслар таъсирида инфекцияланган хўжайраларни топиш ва йўқ қилиш киради.

Экзотоксинлар – ташқи муҳитга бактериал хўжайралар томонидан ажратиладиган токсинлар (заҳарли моддалар).

Эпитоп (антиген детерминанта) – антителар томонидан топиладиган антигеннинг бир қисми.

АСОСИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР РЎЙХАТИ

HTLY – инсоннинг Т-лимфоцитар вирус Ig - иммуноглобулинлар

АГ - антиген

АНХ – антителанинг антигенни намоиш қилувчи хўжайралари

ВХР (BCR) - В-хўжайра рецептори

ВЭВ – юқори эндотелиал венулалар

СТГ – секин содир бўладиган турдаги гистомутаносиблик

ГАК (МНС) – гистомутаносибликнинг асосий комплекси

ССБГ- секин содир бўладиган гиперсезувчанлик

ТК (НК) – табиий киллерлар

ИКХ – иммунокомпетент хўжайралар

ИЛ– интерлейкинлар

ИФА – иммунофермент таҳлил

ИФН - интерферон

ИФу

И - илик

ЛПС - липополисахарид

ИТЛТ – ичакларда тўпланган лимфоид тўқима

ИФМ – ингибацияланган фактори миграцияси

МНС- I, II, III класс молекулалари (антигенлари)

ПЗР – полимераза занжирли реакция

ЛБТР – лейкоцитларнинг бласт трансформацияси реакцияси

ЛМТР – лейкоцитлар миграцияси тормозланиши реакцияси

С - комплемент

СД – иммунокомпетент хўжайралар мембранасидаги дифференцировка антигенлари

СД4 – хелпер фенотибли Т-лимфоцитлар

СД8 - суперсор фенотибли Т-лимфоцитлар

СД16 – табиий киллерлар

СД20 - В-лимфоцитлар

СКК – танасимон хўжайра комплекси

HLA – инсондаги тўқима мутаносибилги (мослиги) тизими (humanleukocyteantigens)

ИТС – имун тақчиллиги синдроми

МКИТ – мураккаб комбинациялашган имун тақчиллиги

ТКР (TCR) - Т-хўжайрали рецептор

Тс - Т-супрессорлар

Тх - Т-хелперлар

ФГА - фитогемагглютининлар

ЎНО– ўсмаларнинг некроз омили

ЦИК – циркуляцияловчи имун комплекслари